



# Набий алайҳиссалом масжидларида турли даврларда ёзилган Қуръон қўлёзмалари намоиш этилади




16:06 / 16.01.2021 2078

Image not found or type unknown




«Масжидул Набавийда ноёб қўлёмаларнинг доимий кўргазмаси» тадбирининг очилиш маросимига сўнгги босқич тайёргарлик жараёни олиб борилмоқда. Бу ҳақда [al ektisadiye](#) сайти хабар берди.

Image not found or type unknown




Унда Масжидул Ҳаром ва Масжидул Набавий пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга оид маълумотлар эълон қилинади. Шунингдек, қадимги исломий меросни ҳужжатлаштиришдан ташқари, Ислom дини дурдоналари ҳамда авлодлар учун араб ва Ислom ғоялари акс эттирилади.

Image not found or type unknown



Ҳарамайн ва Шарифайн маъмурияти Масжидул Ҳаром ва Масжидул Набавийнинг вакиллари билан ўзаро англашинув меморандумида Мадинага мамлакат ичкарасидан ва ташқарасидан ташриф буюриши мумкин бўлган зиёратчилар учун бошқа илмий дастурларни тайёрлади. Олимлар ва мутахассисларга қўлэзмаларнинг бутун араб тарихидаги ролини тушунтириб берадиган фойдали маълумотлар берилди.

Image not found or type unknown



Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларидаги нодир қўлёмаларнинг доимий кўргазмаси икки муқаддас масжид тарихини йиғиш учун дастлабки контекст бўлиб хизмат қилади. Жумладан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари, Ислом тарихи ва турли даврларда ёзилган Қуръон қўлёмалари намойиш этилади.

Image not found or type unknown



***Хуршид Маъруф тайёрлади***